

# Закотнинг шартлари | Фикҳ дарслари (291-дарс)



19:00 / 18 июль 678

## **I. Закот фарз бўлиши учун молда бўлиши лозим шартлар:**

1. Тўлиқ мулк бўлиши керак.
2. Феълан ёки тақдиран ўсувчи мол бўлиши керак.
3. Нисобга етган бўлиши керак.
4. Ҳожати аслиядан ортиқча бўлиши керак.
5. Қарздан холи бўлиши керак.
6. Бир йил тўлган бўлиши керак.

## **II Закот берувчида бўлиши лозим шартлар:**

1. Муслмон бўлиши шарт.
2. Балоғатга етган бўлиши шарт.
3. Ҳур бўлиши шарт.
4. Оқил бўлиши шарт.

## **III Закотнинг тўғри бўлиши шартлари:**

1. Ният бўлиши шарт.

2. Ҳақдорга мулк қилиб берилиши шарт.

Энди «Мухтасари Виқоя»даги ҳайвонлардан бериладиган закотлар ҳақида сўз бошлашдан олдин ҳайвонот бойлигидан закот бериш учун қўйилган шартлар ҳақида икки оғиз сўз.

### **Чорва ҳайвонлари закотининг шартлари:**

1. Яйловда ўтлайдиган бўлиши. Яъни йилнинг кўп қисмида оммавий яйловда ўтлаб, қорин тўйдириб, семириб, болалаб юриши. Йилнинг баъзи вақтида ем бериб боқилса ҳам бўлаверади. Йилнинг кўп қисмида қўлда боқилган ҳайвонлардан закот берилмайди. Чунки уларни боқишга шахсий меҳнат ва сарф-харажат кўп кетган бўлади.

Йилнинг кўп қисмида яйловда боқилган ҳайвонларга эса меҳнат ҳам, сарф-харажат ҳам жуда оз кетади. Асосан, кўпчиликнинг ҳаққи бўлмиш яйловдан фойдаланилади. Шунинг учун кўпчилик ичидаги камбағал-мискинларга закот бериш керак бўлади.

Уламоларимиз ушбу шартни чорва ҳайвонлари закоти учун белгилашда Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан қуйидаги ҳужжат-далилларни асос қилиб олганлар:

هَيِّبْ أُنْعَ، مِيكَحِ نُبِ زَبْ نَع  
يِبَنْ تُعَمَسَ: لَاقِ، وَدَجْ نَع  
هَيْلَعُ هَلَلَا يْلَصِ هَلَلَا  
لِبِلْكَ يَفِ «: لُوقِي مَلَسَو  
نِيغَبْرَأْلُكَ يَفِي مِئْأَسِ

# دَمْحَ أَوْ هَاوَرَ . «نُؤْبَلُ عَنَّا دُوَادُ وَبَأَوْ يَأْسِنُ لَأَوْ»

1. Баҳз ибн Ҳақим, унинг отаси ва бобосидан ривоят қилинади:

**«Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Яйловда ўтлайдиган ҳар қирқта туядан битта бинти лабун», деганларини эшитдим».**

*Аҳмад, Насоий ва Имом Абу Довуд ривоят қилишган.*

Чорва ҳайвонлари закоти учун уларнинг яйловда боқилган бўлиши биргина мана шу ҳадисда шарт қилиб қўйилганлиги кифоя қилади. Закот тўғрисидаги ҳар бир ҳадисда бу нарса айтиб ўтилиши шарт эмас.

2. Ишчи ҳайвон бўлмаслиги.

Чорва ҳайвонларининг ишчисидан, яъни аравага, омочга қўшиладиган, юк ташишга ишлатиладиган, мириладиган, обжувозда, сув чиқаришда ёки шунга ўхшаш ишларда фойдаланиб туриладиганидан закот олинмайди. Чунки бундай ҳайвонлар ҳожати аслия ва иш воситаси ҳисобланади, ўсувчи мол эмас. Қолаверса, уларни ишга солиб топилган нарсалардан закот чиқарилади. Ана шу закот йўлида хизмат қилганлари учун ҳам уларнинг ўзларидан закот олинмайди.

Бунга далиллар қуйидагилар:

هُلَلَا يَضْرِبُ سَابِعِ نَبَا نَع  
ةَالِّصَلَا هَيْلَعُ هَّنَا : أَمْ هُنَع  
يَفَسِيْلُ « : لَأَقُ مَالِ سَلَأَوْ

هُأَوْر . «هُةَقَدَص ل م اَوْع ل ا رَقَب ل ا  
ي ن ط ق ر ا د ل ا

1. Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«У зот алайҳиссолату вассалом:

«Ишчи қорамолларда садақа йўқ», дедилар».

*Дорақутний ривоят қилган.*

ي ض ر ه ل ل ا ذ ب ع ن ب ر ب ا ج ن ع  
ة ا ل ص ل ا ه ي ل ع ه ن ا ه ن ع ه ل ل ا  
ي ف س ي ل « : ل ا ق م ا ل س ل ا و  
هُأَوْر . «هُةَقَدَص ه ر ي ث م ل ا  
ي ن ط ق ر ا د ل ا

2. Жобир ибн Абдуллох розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«У зот алайҳиссолату вассалом:

«Ер ҳайдовчи ҳайвондан садақа йўқ», дедилар».

*Дорақутний ривоят қилган.*

نَعٍ، بِيْعُ شِ نَبٍ وَرَمَعُ نَعٍ  
:رِيْبُنْ لَأُ نَعٍ، هَدَجُ نَعٍ، هِيْبَأُ  
«ةَقَدَصْ لِمَاوَعُ لَأُ يَفَسِيْلُ»  
يُنْطُقِرْ أَدْلَأُ هَأَوْرُ

3. Амр ибн Шуъайб отасидан, у бобосидан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ишчи(ҳайвон)лардан садақа йўқ», дедилар».**

Энди турли ҳайвонот бойликларидан қанча закот берилиши ҳақида батафсил сўз юритайлик.

**«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.